

Қашқадарё вилояти Нишон тумани Нуристон шаҳрида “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ” шиори остида “ Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида Ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Бугун маънавий-маърифий ишларнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас, албатта. Чунки давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир”. Янги Ўзбекистонни барпо этишда эса бу борада бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт ҳамда аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз. Жорий йилнинг 26 июнь куни Нишон тумани Нуристон шаҳрида “Янги Ўзбекистон – янгича дунёқараш” шиори остида “ Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида Ёшлар фестивали ўтказилди. Тадбир давомида иқтидорли талабалар томонидан яратилган фольклор, ашула ва рақс, ҚВЗ чиқишлари намойиш этилди. Шунингдек, талабалар томонидан миллий чиқишлар ва куй-қўшиқлар ижро этилиб, барча йиғилганлар кўнглини хушнуд этиб, кўтаринки руҳ бағишлади.



Фестивал доирасида “Бир зиёли - бир маҳаллага маънавий ҳомий” шиори остида ТИҚХММИ Қарши филиалига бириктирилган Нишон тумани Нуристон шаҳрининг Нурчи, Кимёгар, Нуристон маҳаллаларида ёшлар ўртасида спортнинг мини футбол тури бўйича мусобақа ўтказилди. Шунингдек, ушбу спорт мусобақаси доирасида маҳаллалардаги 30 га яқин кўнгилли ёшлар ҳам иштирок этиб, спортнинг волейбол тури бўйича ўзаро беллашишди. Жумладан, мусобақада жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Элёр Қувватов бошчилигидаги “Талабалар” жамоаси ҳам мусобақада фаол иштирок этиб фахрли I ўринни қўлга киритди. Мусобақадаги фаол иштироки учун ғолиб жамоалар Нишон тумани ҳокимлиги томонидан муносиб тақдирландилар.



Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиали ҳамда Нишон тумани ҳокимлиги ва бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбир навқирон авлодни истиқлол ғояларига садоқат, Ватанга муҳаббат руҳида, юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялашга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир. Тадбирда Нишон тумани ҳокими ўринбосари С.Худойқулов ва ТИҚХММИ Қарши филиали директор ўринбосари Д.Қувватовлар сўзга чиқди.

Математика ва табиий фанлар кафедраси ўқитувчиси Илҳом Ғаниев ахбороти
TIQXMMI matbuot xizmati